



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президент-и Ислон Каримов 8 июнь куни Оқсаройда Ислон ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Ияд Амин Маданийни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон элидан ортиқ мамлакат аъзо бўлган ушбу нуфузли халқаро тузилма билан самарали ҳамкорлик қилиб келаётганини таъкидлади.

Ислон ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий соҳаларда улкан тараққиётга эришаётганини юқори баҳолади.

Учрашувда таъкидланганидек, Ислон ҳамкорлик ташкилотига 1996 йилда аъзо бўлган Ўзбекистон унинг серқирра фаолияти ва тадбирларида фаол иштирок этиб келмоқда, жаҳонда ташкилотнинг ўрни ва аҳамиятини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Ислон ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарларининг навбатдаги учрашувини мамлакатимизда ўтказиш ва ташкилотнинг мазкур муҳим институтига 2016 йилда Ўзбекистон раислик қилиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислон ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислон маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши ҳамда «Ўзбекистоннинг ислон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзусидаги нуфузли халқаро конференция ўтказилиши мамлакатимиз билан Ислон ҳамкорлик ташкилоти ўртасидаги алоқалар ривожига муҳим босқич бўлди.

Оқсаройда ўтган учрашувда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

АҚСУНГУЛ — «ЁШ СИЁСАТЧИ» ТАНЛОВИ ФОЛИБИ

НУКУСДА ЎЗБЕКISTON ХАЛҚ ДЕМOKPАТИК ПАРТИЯСИ «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЎТКАЗИЛАЁТГАН «ЁШ СИЁСАТЧИ» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Тадбирда ёшларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаши, истеъдод ва салоҳиятини кенг намойиш этиши учун зарур шароит яратиш, уларнинг интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан экани алоҳида таъкидланди. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори навқирон авлодни жамиятимизнинг ҳал қилувчи кучи сифатида қўллаб-қувватлаш, уларнинг орзу-умидлари, интилишларини рўйбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратишга хизмат қилмоқда.

Жамиятнинг тўлақонли аъзолари бўлган ёшларнинг юртимиздаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнларда фаоллигини ошириш мақсадида «Мен Ватаним равнақи»га ҳисса қўшишни хоҳлайман» ширин остида ўтказилаётган «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг шаҳар ва туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган 15 нафар йигит-қиз Қорақалпоғистон Республикаси босқичида ўз интеллектуал салоҳиятини намойён этди.

— Танловда қорақалпоғистонлик



ёшлар ўзларининг сиёсий фаоллигини намойён қилди, — дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қаноти марказий бошқаруви раҳбари ёрдамчиси Умрбек Бектемиров. —

18 ёшдан 30 ёшгача бўлган бу йигит-қизлар мамлакатимизда рўй берётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга бефарқ эмаслигини кўрсатди. Аксинча, ўзлари яшаётган ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлан-

тириш, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, шунингдек, партиямиз дастурий мақсадларига мос йўналишлардаги лойиҳаларини тақдим этди.

Қораўзақ иқтисодиёт касб-хунар коллежининг 2-курс ўқувчиси Ақсун-

гул Болтабоева биринчи ўринни эгаллади ва танловнинг мамлакат босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Ақсунгулнинг орзулари улкан. У ёш бўлишига қарамай, тикувчилик цехи очиб, қорақалпоқ миллий либослари, замонавий пардалар, кўрпа-ёстиқ тикиб, ўзи каби 12 нафар тенгдошининг бандлигини таъминлаш ниятида. Бу ишларни тижорат банкидан олинган кредит маблағи эвазига амалга оширишни режалаштирган. Тиришқоқ, ташкилотчи ва ташаббускор қиз Ақсунгул коллежда ташкил этилган инглиз тили, тарих ва ҳуқуқ тўғрақларининг фаол аъзоси.

— Мен келажакда юқори малакали ҳуқуқшунос бўлишни орзу қиламан, — дейди у. — Устозим Равшан Абдиевадан жуда кўп нарсани ўрганмоқдаман. Юртимизда биз, ёшларга яратилаётган кенг имкониятлар учун давлатимиз раҳбаридан беҳад миннатдориман.

Иккинчи ўрин Хўжайли туманидан Иномжон Болтабоевга насиб этган бўлса, учинчи ўринни чимбойлик Сарвино Жўлимбетова эгаллади.

Ғолибларга диплом ва совғалар топширилди.

А.ОРТИҚБОВ, ЎЗА мухбири.

ЁШЛАР ФОРУМИ



Ўзбекистон ёшлари

ҳеч кимдан кам эмасликларини ва кам бўлмасликларини амалда намойён этишмоқда

Нигонҳларида ўқтамлик, қалбларида эзгу орзулари бўлган йигит-қизларни бир мақсад атрофида бирлаштирди

ЎзХДП Марказий Кенгаши ҳамда Жиззах вилоят кенгаши ҳамкорлигида ёшлар форуми ўтказилди. Унда мамлакат келажакдаги бўлган ёшларнинг ўз имкониятлари, истеъдод ва қобилиятларини намойён этиши учун яратилаётган шарт-шароитлар тўғрисида фикр алмашилди.

«Кўрик танлов — билимларимни янада мустаҳкамлади»

Лойиҳа доирасида «Ёш сиёсатчи — 2015» кўрик-танловининг вилоят босқичи ҳам ўтказилди. Унда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 12 нафар йигит-қиз ўзаро беллашди. Хайъат аъзоларининг эътирофига кўра, Жиззах давлат педагогика институти 2-курс талабаси Суръат Исмомидинов фахрли биринчи ўринга муносиб кўрилди ва танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

2

ЯНГИ ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ТИЗИМИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШАДИ

Мамлакатимиз биржасида савдо иштирокчиларининг юқори даражадаги рақобати ва тенг иштирокини таъминлайдиган, электрон савдо шаклида амалга оширилаётган замонавий давлат харидлари тизими жорий этилгани ўз афзалликларини намойён этмоқда. Электрон савдолардаги давлат харидлари ҳажми ошаётгани, савдо яқунлари бўйича кўп миллиард сўмлик бюджет маблағлари тежаб қолинаётгани бунинг исботидир. Бу жараёнда кичик бизнес субъектлари ҳам фаол иштирок этаётгани эътиборга молик.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳриридаги лойиҳаси ишлаб чиқилди. 2015 йил 23 майда матбуотда «Электрон тижорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун эълон қилинди. Мазкур қонунга асосан, «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири тасдиқланди.

► Давоми 2-бетда.

ҚОНУН ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетига Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни ижросига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда вазирлик ва идоралар, Машинасозлик, электротехника ва авиация санаяти ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш масалалари комплекси хўжалик бирлашмалари мутахассислари, Бош прокуратура ва бошқа ташкилотларнинг масъул ходимлари иштирок этди.

Семинарда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича амалдаги қонунчилик фуқароларнинг давлат органларига мурожаат қилиш тартибини янада такомиллаштириётгани таъкидланди. Бундан ташқари, давлат тузилмалари ва ташкилотларида жорий қилинаётган замонавий ахборот технологиялари ҳамда дастурий маҳсулотлар, ху-

сусан, электрон ҳужжат айланиш тизими ушбу жараённинг барча иштирокчилар учун қулай ва самарали бўлишига хизмат қилаётди.

Масалан, «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ижро аппаратида жорий йил бошидан буён жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган 1 минг 700 дан зиёд ёзма мурожаатнинг бир қисми Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали юборилган. «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари Р.Юсупов «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, компанияга келиб тушаётган ҳар бир мурожаат алоҳида журналда рўйхатга олиниб, мурожа-

Аҳоли бандлиги соҳасидаги сиёсатни такомиллаштиришнинг устувор йўналиши банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳолини корхоналарда муносиб ҳақ тўланадиган барқарор иш ўринлари билан самарали таъминлашдан иборат бўлмоғи лозим.

ЎзХДП Сайловолди дастуридан.

ХУШХАБАРЛАР!

ИККИНЧИ ОЛТИН МЕДАЛЬ



Хитойнинг Ухан шаҳрида энгил атлетика бўйича навбатдаги Осиё чемпионати бўлиб ўтди.

Аёллар ўртасида баландликка сакраш баҳсларида ҳамюртимиз Светлана Радзивил олтин медаль билан тақдирланиб, қитъа чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлганлигини хабар қилдик.

Осиё чемпионатининг аёллар ўртасида ўтказилган еттикураш баҳслари ҳам ҳамюртларимиз учун муваффақиятли кечди. Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Екатерина Воронина икки кунлик мусобақалар якунларига кўра, жами 5689 очко жамғарди ва олтин медални қўлга киритди.

Шунингдек, мусобақада энгил атлетикачиларимиздан Бобур Шокиржонов кумуш, Андрей Петров бронза медали билан тақдирланди.

ЎН ОЛТИ ЁШЛИ СПОРТЧИМИЗ

огир атлетика бўйича жаҳон чемпионатида йигирма ёшгача бўлган полвонлар ўртасида учта кумуш медални қўлга киритди

Польшанинг Вроцлав шаҳрида давом этаётган мусобақанинг дастлабки кунини Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари учун муваффақиятли бўлди. Истеъдодли спортчимиз Аҳдам Эргашев (62 кг) ўз маҳоратини намойиш этиб, жаҳон чемпионатининг учта кумуш медалини қўлга киритди. У даст кўтаришда 124 кг, силтаб кўтаришда 151 кг натижа кўрсатди ва иккикураш якуни бўйича 275 кг оғирлигини ўзига бўйсундирди.

Эътиборли жиҳати шундаки, 2014 йили Нанкинда ўтказилган ўсмирлар олимпиадаси бронза медали совриндори Аҳдам Эргашев эндигина ўн олти ёшга тўлди. Умидли оғир атлетикачимиз йигирма ёшгача бўлган полвонлар баҳсида шундай юксак натижани қўлга киритганлиги мамлакатимизда яна бир истеъдод кашф этилганлигини кўрсатиб турибди.

М.ҚАРШИБОВ, ЎЗА мухбири.

Самандар БОБОРАҲАБОВ, ЎЗДЖТУ талабаси.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

ҲАР ГЎДАКНИ МУЪЖИЗА ДЕБ БИЛИНГ, ҚУТҚАРИШИ МУМКИН ДУНЁНИ



ЎзХДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида 2014 йил якуни ва 2015 йил биринчи чорак бюджет ижроси кўриб чиқилди.

«ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИГА МУРОЖААТ ЭТГАН ЭДИМ»

Навбахор тумани Мирзо Улуғбек маҳалласида яшовчи 1-гуруҳ ногирони Фотима Рустамова кейинги пайтларда ногиронлар аравачасига эҳтиж сеза бошлади. Шунда у маҳалла раисининг маслаҳати билан ЎзХДП Навбахор туман кенгашидаги Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат этди. Партия масъул ходимлари масалани ўз вақтида ўрганиб чиқишди. Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Феруза Раҳимованинг саъй-ҳаракати билан Фотима Рустамова ногиронлик аравачаси билан таъминланди.

МАСАЛАЛАР ИЖОБИЙ ЕЧИМ ТОПМОҚДА

— Одамлар бугун кимга қандай масала билан мурожаат этишни билади, — дейди халқ депутатлари Навбахор туман Кенгаши депутати Феруза Раҳимова. — Бу эса биз, депутатлар зиммасидаги масъулиятни янада оширади. Негаки, ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдирини ўтказиб, шундай экан, биз кўтарилаётган муаммага беэътибор бўлмаслигимиз йўқ. Аҳолининг партияимиз электорати ишончини йўқотиб қўйишимиз мумкин.

Зарафшон шаҳридаги «Истиқбол» маҳалласида яшовчи Ваҳоб Ҳайитов анчадан буён ишсиз эди. У Зарафшон шаҳар партия кенгаши ҳузурдаги Жамоатчилик қабулхонаси ҳақида эшитиб, шу ерга келди. Партия масъуллари ва депутатлар масалани дарҳол ўрганиб чиқишди. Шундан сўнг уларнинг ёрдами билан Ваҳоб Ҳайитов Зарафшон шаҳар архитектура ва қурилиш бўлимига ишга жойлашди.

— Ишли бўлганимдан жуда хурсандман. Бунинг учун ЎзХДП фаолларига ўз миннатдорчилигимни билдираман, — дейди у. — Юртимизни янада кўракам, обод бўлишига ҳисса қўшсам, дейман.

Қизилтепа туманининг Алишер Навоий маҳалласида яшовчи фуқаро Сония Еникеева ўзи яшаб турган уйига эгаллик ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни тайёрлашга ёрдам сўраб, ЎзХДП Қизилтепа туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилди. Ушбу масала туман ер-мулк кадастр бўлими билан ҳамкорликда ижобий ечим топди. Керакли барча ҳужжатлар тайёрланиб, туман ҳокимининг эгаллик ҳуқуқини берувчи қарори чиқарилди.

— 92 ёшдаман, — дейди Сония Еникеева. — Ҳужжатларни тайёрлашга кучим етмаслиги табиий. Шунинг учун ёрдам сўраб, ЎзХДП фаолларига мурожаат қилдим. Ҳужжатлар тайёр бўлди. Кексаларни эъзозлаш йилида бу каби хайрли ишларни амалга ошираётган Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан жуда миннатдоримиз.

Илҳом САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЁШЛАР ФОРУМИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ

ҳеч кимдан кам эмасликлари ва кам бўлмасликларини амалда намоён этишмоқда

«Кексаларимиз ёшлар эъзози ва эътиборида»

Танловдан сўнг форум қатнашчилари гуруҳларга бўлинган ҳолда ана шу лойиҳа бўйича электоратимиз вакиллари — Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт ортида меҳнат қилган ва ёлғиз кексаларнинг ҳол-аҳволдан хабар олдилар, уларга совғасаломлар улашди.

— Болаларга раҳмат, — деди Жиззах шаҳрида истиқомат қилувчи ЎзХДП аъзоси, меҳнат фахрийси Холмат Юнусов. — Кексаларга хурмат ва эъзоз кўрсатаётган мана шундай ёшлар борлигидан қувондим. Ўзбекистонда жиннатмакон юрда тинчлик ва фаровонликда яшаётганимизнинг ўзи бахт эканлигини унутмаслигимиз керак. Шундай қунларга етказганига шукр қиламиз.

«Ёшларга оид қонунчилик ёшлар нигоҳида»

Вилоят маънавият-тарғибот марказида шу мавзуда ўтказилган давра суҳбати ҳам форум иштирокчиларида бир олам таассурот қолдирди.

ФОРУМ АЖОЙИБ ЎТДИ. ДЎСТЛАР ОРТТИРДИК. УНДА ИШТИРОК ЭТГАНИМДАН ХУРСАНДМАН. КЕЛГУСИДА ЎЗХДП ФАОЛИ СИФАТИДА ЮРТИМ РАВНАҚИГА ҲИССА ҚЎШИШ НИЯТИДАМАН.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.



Бекўлат ТОҒАЕВ олган суратлар.

— Мустақиллик йилларида юртимизда ёшларга оид кўплаб қонунлар ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди, — деди форум қатнашчиси Арнасов тўғрисидаги 22-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Рустамбек Ҳамроев. — Уларнинг барчаси ёшларнинг иқтидор ва қобилиятларини намоён этиши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳизмат қилиши билан қадри ва эътиборлидир. Юртимизимиз айтганидек, Ўзбекистон ёшлари бугун ҳеч кимдан кам эмасликларини амалда исботлашга тийи.

«Коллежни тамомлаб, албатта ўз мутахассислигим бўйича ишлайман»

Маълумки, «Коллеждан — корхонага» лойиҳасининг амалга оширилиши касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Форумда ушбу лойиҳа доирасида Жиззах энгил саноат касб-хунар коллежи битирувчилари «Жиззах пластик» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасида бўлди. Улар нафақат вилоятда, балки мамлакатимиздаги пахта тола-

сидан тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган мазкур замонавий корхонанинг фаолияти билан яқиндан танишдилар.

— Корхонанинг озода, файзли цехлари, бу ерда ишчи-хизматчилар учун яратилган қулай шароитлар менга жуда ҳам ёқди, — деди коллеж битирувчиси Лазиза Суннатова. — Иш жараёнлари компьютерлар ёрдамида бошқарилаётгани, уларни ўзимиз каби ёшлар назорат қилаётганини кўриб, коллежни битиргач, шу корхонага ишга келишни кўнглимга тугиб қўйдим.

Шу кунги Лазиза сингари йигирма нафар коллеж битирувчиси билан корхона маъмурияти ўртасида шартнома имзоланди.

Юнус Ражабий номидаги вилоят мусиқали драма театри ва Мустақиллик майдонида вилоятдаги ёш санъаткорлар ижросида катта концерт дастури намоён этилди. Ватан, истиқлол, ёшлик ҳақидаги куй-қўшиқлар, рақслар иштирокчилар қайфиятини янада кўтарди.

Икки кун давом этган форумда 18 дан 30 ёшгача бўлган 1425 нафар ёш иштирок этди. Ҳар бир йигит-қизнинг

нигоҳларида ўқтамлик, қатъият ва эртанги кунга ишонч, шу юрт, шундай Ватан фарзанди эканларидан фахрланиш туйғулари барқ уриб турарди.

Гулноза Жўрамурадова, Жиззах шаҳридаги Сайилжой академик лицейи ўқувчиси:

— Очиғи, форумнинг бу қадар мазмунли ва қизиқarli бўлишини тасаввур қилмагандим. Икки куннинг қандай ўтганини сезмай қолдим. Ўзим учун кўп фойдали нарсаларни олдим, билимларимни бойитдим. Юрт равнақи учун ҳали кўп ишлар қилишимиз зарурлигини англадим.

Азиза Аҳадова, вилоят телевиденияси ходими:

— Форум ажойиб ўтди. Дўстлар орттирдик. Унда иштирок этганимдан хурсандман. Келгусида ЎзХДП фаоли сифатида юртим равнақиға ҳисса қўшиш ниятидаман...

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири, Наргиза МАМАТМУРОВОВА, «Истиқбол» ёшлар қоноти Жиззах вилоят бўлими етакчиси.

Янги қонун кучга кирди

Электрон тижорат тизими янада такомиллашади

Янги қонун миллий қонунчилигимизнинг илғор тажрибаси ҳамда замонавий халқаро ҳуқуқий нормалар уйғунлигига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган. 20 моддадан иборат қонуннинг асосий мақсади электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш ва янада такомиллаштиришдан иборатдир.

Қонунда «электрон тижорат» тушунчасига ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тузиладиган шартномага мувофиқ амалга оширилган товарлар (ишлар, хизматлар) олди-сотдиси, деб аниқ таъриф берилган. Унинг асосий принциплари электрон тижоратда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш эркинлиги, шартномалар тузишнинг ихтиёрлиги, унда иштирок этиш шарт-шароитларининг тенглиги, иштирокчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кўзда tutади.

Маълумки, электрон тижорат соҳасидаги давлат сиёсати ушбу соҳани ривожлантириш учун ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий, техникавий ва бошқа шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган. Бунда асосий эътибор электрон тижорат воситасида амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, соҳага инвестициялар, замонавий технологиялар ва жиҳоз-

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

ларни жалб этиш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилади. Тадбиркорлик фаолиятини субъектларининг электрон тижорат соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий, иқтисодий, статистик, ишлаб чиқариш-технологик ва бошқа ахборотлар билан таъминлаш, электрон тижорат соҳасидаги илмий-техникавий тадқиқотларни рағбатлантириш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда электрон тижорат соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш изчил қўллаб-қувватланади.

Қонунда ушбу соҳани давлат томонидан тартибга солиш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Унга кўра, соҳани давлат томонидан тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва электрон тижорат соҳасидаги махсус ваколат берилган давлат органи амалга ошириши белгиланган. Ушбу нормалардан келиб чиқиб, тегишли органларга маълум бир ваколатлар ҳам юклатилган.

Қонуннинг 7-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси электрон тижорат соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлаш ва амалга ошириш, давлат органларининг электрон тижорат соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ҳамда соҳада халқаро ҳамкорликни таъминлайди.

Махсус ваколатли давлат

органи соҳадаги давлат дастурларини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этади. Бошқа манфаатдор давлат органлари ва ўзга ташкилотлар билан биргаликда, ўз ваколатлари доирасида, электрон тижорат соҳасидаги стандартлар, нормалар ва қоидаларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди. Соҳани ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқади. Электрон тижорат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўради. Соҳа фаолиятини тартибга солидаган қонун ҳужжатларини такомил-

га ҳам ойдинлик киритилган. Хусусан, электрон тижорат иштирокчиси деганда электрон тижоратда товарларни (ишлар, хизматларни) сотувчи ёки уларнинг харидори бўлган юридик ёки jisмоний шахс тушунилади. Ахборот воситачиси — электрон тижоратда электрон ҳужжатлар ва электрон хабарлар айланиши билан боғлиқ хизматлар курсатувчи юридик шахсни англатади.

Бундан ташқари, қонунда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, электрон тижоратдаги шартнома шартлари, шартномани тузиш ва бажариш, офертага қўйиладиган талаб-

рида электрон тижоратнинг асосий принциплари, электрон тижорат соҳасидаги давлат сиёсати, электрон тижорат соҳасини давлат томонидан тартибга солиш, ҳукумат ва махсус ваколатли давлат органининг бу соҳадаги ваколатлари, электрон тижоратдаги электрон ҳужжатлар ва электрон хабарларнинг юридик кучи ва бошқа шу каби нормалар назарда тутилмаган эди. Янги тахрирдаги қонунда ушбу масалалар ўзининг ҳуқуқий ечимини топган.

Янги қонун электрон тўловлар тизимини янги босқичга кўтаради. Чунки шу асосда мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини юқори даражада рақамлаштиришга кенг йўл очилди. Бу савдо операцияларини амалга ошириш бўйича харажатларни камайтириш, электрон тижорат субъектларининг бир-биридан узоқлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, сотувчилар ва харидорлар ўртасида тўғридан-тўғри шартномавий муносабатларни ўрнатиш, халқаро стандартларга жавоб берадиган технология бозор инфра-тузилмасини яратишга хизмат қилади.

Зафар РЎЗИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими, юридик фанлар номзоди. (ЎЗА)

ЎзХДП БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Партиямиз аъзолари СОНИ ОРТМОҚДА

— Бундан беш-олти йил илгари Самарқанд аэропорти ходимлари орасида партияимизнинг 5 нафар аъзоси бор эди, — дейди бошланғич партия ташкилоти етакчиси Шариф Шарофов.

Аҳолини иш билан таъминлаш, коммунал соҳадаги муаммоларни бартараф этиш, кам таъминланган ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларга амалий ёрдам кўрсатиш борасидаги ишлар кўнгилдагидек ташкил этилмоқда.

— Бугун эса бошланғич партия ташкилотимизнинг 60 нафар аъзоси бор. Кейинги йилларда бошланғич ташкилотнинг «Аэропорт» маҳалласи ҳисобига ҳам кенгайиб бораётгани эътиборлидир. Масалан, шу йилнинг ўзида маҳалла ва жамоадан партияга 7 нафар янги аъзо қабул қилинди. Бошланғич ташкилотнинг асосий вазифаси, биринчи галда, одамлар ўртасида партия голларини тарғиб этиш, янги аъзолар ҳисобига сафларимизни кенгайтириш, — дейди **қўйи бўгин етакчиси**. — Депутатлар билан ҳамкорликда ҳудуддаги муаммоларни ўрганиш, уларнинг ечимини бўйича халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгаши сессияларига масала киритиш, партия аъзолари сиёсий ва ҳуқуқий онгини ошириш борасида аниқ режалар ишлаб чиқдик.

Бу ишларда аэропорт директори Улуғбек Шамсикулов, меҳнат мудофасаи бўйича муҳандис Равшан Хусайнов, техник таъминот бўйича бўлим бошлиғи Алишер Воҳидов, лаборант Абдусами Исроилов, диспетчер Татьяна Авдикина каби жонкуяр партия аъзолари доимий равишда фаоллик кўрсатишмоқда. Айниқса, аҳолини иш билан таъминлаш, коммунал соҳадаги муаммоларни бартараф этиш, кам таъминланган ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларга амалий ёрдам кўрсатиш борасидаги ишлар кўнгилдагидек ташкил этилмоқда.

Абдурасул САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

www.xdp.uz

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари фаолияти ҳақида мазкур сайтдан батафсил ахборот оласиз.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ВА КАСБ-ХУНАР ЎРГАНИШНИНГ БАРЧА УЧУН ТЕНГ, АДОЛАТЛИ ВА ИЖТИМОЙ ЖИҲАТДАН МАҚБУЛ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИ МУҲИМ, ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ.



ПАРТИЯ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ДОИРАСИДА АҲОЛИНИНГ ЁРДАМГА МУҲТОЖ ҚАТЛАМЛАРИНИНГ ИНТЕРФАОЛ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ ЯГОНА ПОРТАЛИ ВА БОШҚА ТЕГИШЛИ ТАРМОҚ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНЯТИНИ БЕРУВЧИ ШОХОБЧАЛАР ТАРМОГИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИГА ЭРИШИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАДИ.

ИНТЕРНЕТ-СУҲБАТ

«Шарқ тароналари»да учинчи марта

Иштирок этмоқчиман

Бу — мадагаскарлик таниқли хонанда Талике ГЕЛЛЕНИНГ орзуси

— Ўзбекистон билан боғлиқ хотираларим жуда кўп, — дейди у. — Халқингизни самимийлиги, кўли очиқлиги, меҳмонга кўрсатадиган ҳурмати ҳар қанча мақтовга лойиқ. Ўзбекистонликлар дўстликни қадрлайдиган, яқинларининг ҳаёти билан қизиқадиган одамлар. Ҳар куни мендан «ҳаммаси жойидами, камчиликлар йўқми?» деб сўраб туришганини ҳамон эслайман.

Ўзбеклар ўз юрти, ўз маданияти билан фахрланадиган халқ. Турли маданиятларга қизиқувчи инсонлар Ўзбекистонга келиши ва буларнинг барчасини ўз кўзи билан кўриши зарур. — «Шарқ тароналари» сизнинг ижодингизда қандай ўрин тутади? — «Шарқ тароналари» фестивали жаҳонда ўз нуфузига эга. Ушбу анжуманда иштирок этиш орқали турли халқларнинг маданияти, мусиқаси билан танишдим. Кўплаб дўстлар орттирдим. Мен «Шарқ тароналари»да икки марта иштирок этганман. 2011 йилда юртингизга боришдан олдин Ўзбекистон ҳақида деярли ҳеч қандай маълумотга эга эмасдим. Интернет орқали ўқиб, расмларни кўргач, тезроқ бориш ишқидан ёна бошладим. Айниқса, Регистоннинг суратини томоша қилар эканман, хаёлимга нахотки шу ерда қўшиқ куйлайман деган ўй келарди. Ва-

танимга қайтганимдан кейин дўстларимга Ўзбекистоннинг гўзал мамлакат эканлигини гапириб бердим. 2013 йилда яна бир бор «Шарқ тароналари» фестивалида қатнашиш бахти nasib этди. Ў «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг очилиш маросимидега Ўзбекистон Президенти иштирок этган эди. У кишига ҳурматим чексиз. Президент санъатга қизиқса, уни кўллаб-қувватласа, бу санъат ривожига, маданият вакиллари-нинг фойдаларига хизмат қилади. Исло Каримов томонидан жаҳон, шарқ санъатига берилаётган эътибор бошқа давлат раҳбарлари учун ҳақиқий намунадир. Ўзбекистонда мен боришни истайдиган кўплаб шаҳарлар бор. Хива, Бухоро, Шахрисабз ва Қўқон ўзининг бой тарихи билан мени ром қилган. Шу билан бирга Ўзбекистон қишлоқларини кўриш, у ердаги одамларнинг яшаш шароити билан танишишни хоҳлайман.



— Ўзбек мусиқаси ҳақида нима дея оласиз? — Мен кўп давлатларда бўлганман, турли халқларнинг мусиқаларини эшитганман. Аммо ўзбек мусиқаси мени лол қилди. Миллий чолғу асбобларидан таралаётган куй одами сеҳрлаб қўяди... Тўғриси, бунақасини илгари учратмагандим. Рақслар ўзига хос. Куйлаш услуби ҳам мени қизиқтириб қўйди. Ўзбекистонлик дўстларимни айтишига қараганда, мен кўрмаган мусиқа асбоблари ҳали кўп экан. Уларни ҳам чалишни истаймман. — Самарқанддан олган таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз? — Самарқанд чиндан ҳам афсонавий шаҳар. Маҳаббатли обидалари жуда кўп. Кўпчилик мендан Самарқанд ҳақида сўрайди. Ўша пайтда таърифлашга сўз топпайман. Самарқанд ҳақида сўраш эмас, уни бориб кўриш керак, дейман. Мен Самарқандни жуда яхши кўраман.

— Ўзбекистонда сизга маъқул бўлган жиҳатлар ҳақида...

— Ўзбекистон шундай дийёрки, ҳар қадамда гўзаллик билан юзма-юз келасиз. Одамлари доим кулиб туради. Жамоат жойларининг тоза эканлиги ҳам эътиборимни тортди. Бу инсонларнинг ўз шаҳри, ўз ватанига бўлган ҳурмати белгисидир. Баъзи бир ўлкаларда тозалик масалалари кўнгилдагидек эмас. Юртингизда меҳмоннинг хотиржамлигига, хавфсизлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилиши маъқул тушди.

Бу йил ҳам «Шарқ тароналари»да учинчи марта иштирок этмоқчиман. Ўзбекистонга яна бир бор боришни жуда қаттиқ хоҳляпман. Бу мен учун катта шараф.

Ўзбекистонда дўстларим кўп. Улар билан алоқаларимиз узилгани йўқ. Бу йил яна учрашишдан умидворман.

— Ўзбекистон халқига тилакларингиз?

— Сизга дунёдаги барча эзгу тилаклар йўлдош бўлишини истаймман. Ўзбеклар санъатсевар халқ. Санъат қадрланган, санъаткор эъзозланган юрtdа фақат байрамлар бўлади. «Шарқ тароналари»да кўришгунча хайр.

«Ўзбекистон овози» муҳбири Темур АЪЗАМ суҳбатлашди.

ЭЪЛОН

«BUXORO GLOBAL REALTOR» МЧЖ

ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сон қарори ҳамда Бухоро шаҳар ҳокимининг 2015 йил 10 мартдаги 271-сон қарори-га мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишлари учун, Бухоро шаҳар, Шарқ-1 мавзеси худудидан «Кўп қаватли турак-жой биноси» қуриш учун ажратилган 900,0 кв. метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танлов савдоларига қўйилмоқда.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси – 876 942 сўм.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб, расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади ва 10 июль кuni соат 18:00 да тўхтатилади. Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро шаҳар ҳокимлиги биносида 2015 йил 13 июль кuni соат 11:00 да очилади ва соат 15:00 да комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Мазкур ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2015 йилнинг 20 ва 27 июль кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар 2015 йил 20 ва 27 июль кунлари соат 15:00 да мазкур ҳокимлик биносида очилади ва комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйдаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нўسخада тақдим этади:

- юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вақилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар – паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вақил қатнашганда ваколатли вақилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридеги ҳақ эвазига олади. Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманомана берилишдан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридеги закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдирिशномасида кўрсатилган қуйдаги банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

ДТ «Халқ банки» Бухоро филиали, х/р: 20208000600251607001, МФО 00116, СТИР 302668377.

Танлов ташкилотчиси – «BUXORO GLOBAL REALTOR» МЧЖ. Манзили: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Тел: (+99893) 960-69-00, факс: (0-365) 221-54-43. электрон почта: www.bgr.gi.uz

Лицензия № RL 0171.

Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

«АГРОБАНК»: МИЖОЗЛАР ХИЗМАТИГА ДОИМ ТАЙЁРМИЗ

Мамлакатимиз иқтисодийтини ривожлантириш ҳамда халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтиришда банк муассасалари муҳим ўрин тутади. Хусусан, «Агробанк» АТБ аҳолига кенг турдаги тезкор ва замонавий банк хизматлари кўрсатиб келмоқда. Бунинг натижасида банк миқозларининг фаолияти ҳар томонлама ривожланиб, уларнинг бизнес лойиҳалари тизимли равишда амалиётга татбиқ этилмоқда.



Буни банкнинг Навоий вилоят бошқармаси ва унинг филиаллари мисолида ҳам кўраемиз. Вилоят бошқармаси томонидан миқозларга хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, соҳада бўлаётган янгиликларни амалиётга жорий этиш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш, ёшлар, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка жалб қилиш борасида жойларда давра суҳбатлари ҳамда семинар-тренинглар ўтказиб келинмоқда.

Банкнинг вилоят бошқармаси томонидан турли тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида барча молиялар сўмга яқин кредитлар ажратилди. Мазкур молиявий маблағ натижасида жойларда бир-биридан замонавий тадбиркорлик субъектлари, ишлаб чиқариш мажмуалари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолияти

йўлга қўйилди. Натижада ҳудудлар янада обод бўлиб, минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

— Мамлакатимизда тадбиркор ва фермерларга яратиб берилаётган кенг имкониятлар натижасида ишлаб чиқариш ривожланиб, янги иш жойлари пайдо бўлмоқда, — дейди Қизилтепа туманидан яқка тартибдаги тадбиркор Озод Эргашев. — Мен ҳам чорвачиликни ривожлантириш мақсадида «Агробанк»га мурожаат қилдим. Банк мутахассисларига бизнес-лоийҳам маъқул келди. Қисқа муддатда банкнинг Қизилтепа филиали томонидан 46 миллион сўм миқдорда кредит маблағи ажратилди. Ўз фаолиятимни кенгайтиришимдан сўнг янги иш ўринлари яратилди. Мазкур сармоли эвазига наслик чорва моллари сотиб олдим. Мен «Агробанк» фаолиятини розиман. Улар бизга қўллаб-қувватлайди. Зарур вақтда маслаҳат беришади.


— Бугун тадбиркор, ишбилармон бўламан, деган одам учун барча шарт-шароит бор, — дейди Навбахор туманидаги «DO'STIK

ОМAD BIZNES» оилавий корхонаси раҳбари Аллаёр Сафаров. Ҳар бир киши интилиб, изланиб қилган меҳнати ортидан рағбат олаётир. Албатта, ҳар бир эзгу ишнинг дебосчаси, аввало, мақсадли, пишиқ-пuxта, истиқболли лойиҳа асосида шаклланади. Бундай истиқболли лойиҳалар банклар томонидан молиялаштирилиб, уларга имтиёзли шартлар асосида сармоялар йўналтирилмоқда. Бу аса бизни янада улкан мақсадлар сари руҳлантирмоқда. Бизнесимни йўлга қўйиш ўз-ўзидан бўлмади. Бунинг учун бизнес лойиҳа билан бирга, молиявий кўмак ҳам зарур эди. Савдо фаолиятини ривожлантириш мақсадида «Агробанк»нинг Навбахор филиалига бизнес-лоийҳа тақдим қилдим. Банк томонидан лойиҳа атрофича ўрганилиб, 95 миллион сўм кредит маблағи ажратилди. Бугунги кунда банк томонидан ажратилаётган кредитлар, кўрсатилаётган банк хизматларининг сифати ҳам ошииб бормоқда.

Аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжларини тўла қондиришга йўналтирилган дастур асосида кичик бизнес субъектларига озиқ ва ноозиқ овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун ҳам кредитлар мунтазам ажратилмоқда.

Бундан ташқари, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка кенг жалб этиш, ўз бизнес-лоийҳаларини амалиётга татбиқ этишга кўмаклашиш ва шу орқали уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Умуман олганда, «Агробанк» АТБнинг Навоий вилоят бошқармаси ва филиаллари фаолиятида бир жиҳат устувор саналади. Яъни, миқоз банк учун эмас, банк миқоз учун тамойил асосида аҳолига хизмат кўрсатишмоқда. Бунинг натижасида ҳам одамларнинг банкларга бўлган ишончи ортаятапти, ҳам ажратилган кредитлар орқали аҳоли фаровонлиги, худудлар тараққийтига ҳисса қўшилмоқда. Бу йўналишдаги ишлар барча ҳудудларда изчил давом эттирилмоқда.



РЕКЛАМА

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯҒОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

- Объектлар номи: ЛОТ - 4 ЛОТ-4.1. «Фаргона вилояти, Қувасой шаҳридаги «Камалак» 4-сон мактабга таълим муассасаси бизнесни мукамал таъмирлаш». Бошланғич нархи: 417 667 915 сўм ҚҚС билан, 348 056 596 сўм ҚҚС билан. ЛОТ-4.2. «Фаргона вилояти, Бағдод туманидаги 5-сон мактабга таълим муассасаси бизнесни мукамал таъмирлаш». Бошланғич нархи: 357 911 895 сўм ҚҚС билан, 298 259 913 сўм ҚҚС билан. ЛОТ-4.3. «Фаргона вилояти, Олтирак туманидаги 1-сон мактабга таълим муассасаси бизнесни мукамал таъмирлаш». Бошланғич нархи: 634 048 930 сўм ҚҚС билан, 528 374 108 сўм ҚҚС билан. Муддати – 01.08.2015 йил. ЛОТ - 5 ЛОТ-5.1. «Фаргона вилояти, Фаргона туманидаги 140 ўринли 3-сон мактабга таълим муассасасини мукамал таъмирлаш». Бошланғич нархи: 426 601 483 сўм ҚҚС билан, 355 501 236 сўм ҚҚС билан. ЛОТ-5.2. «Фаргона вилояти, Фаргона туманидаги 140 ўринли 2-сон мактабга таълим муассасасини мукамал таъмирлаш». Бошланғич нархи: 488 759 498 сўм ҚҚС билан, 407 299 582 сўм ҚҚС билан. ЛОТ-5.3. «Фаргона вилояти, Қува туманидаги 40-сон мактабга таълим муассасасини мукамал таъмирлаш». Бошланғич нархи: 465 846 380 сўм ҚҚС билан, 388 205 317 сўм ҚҚС билан. Муддати – 01.08.2015 йил. ЛОТ-6 ЛОТ-6.1. «Фаргона вилояти, Қува туманидаги 34-сон мактабга таълим муассасасини мукамал таъмирлаш». Бошланғич нархи: 557 166 563 сўм ҚҚС билан, 464 305 469 сўм ҚҚС билан. ЛОТ-6.2. «Фаргона вилояти, Ўзбекистон тумани Яйлан марказидаги 1-сон болалар боғчасини мукамал таъмирлаш». Бошланғич нархи: 359 237 973 сўм ҚҚС билан, 299 964 977 сўм ҚҚС билан. ЛОТ-6.3. «Фаргона вилояти, Сўх тумани Саркандка қишлоқдаги 140 ўринли 4-сон мактабга таълим муассасасини мукамал таъмирлаш». Бошланғич нархи: 441 511 459 сўм ҚҚС билан, 367 926 216 сўм ҚҚС билан. Муддати – 01.08.2015 йил. ЛОТ - 7 ЛОТ-7.1. «Фаргона вилояти, Данғара туманидаги 14-сон мактабга таълим муассасаси бизнесини мукамал таъмирлаш». Бошланғич нархи: 482 393 384 сўм ҚҚС билан, 401 994 486 сўм ҚҚС билан. ЛОТ-7.2. «Фаргона вилояти, Данғара туманидаги 5-сон мактабга таълим муассасаси бизнесини мукамал таъмирлаш». Бошланғич нархи: 419 782 470 сўм ҚҚС билан, 349 818 725 сўм ҚҚС билан. ЛОТ-7.3. «Фаргона вилояти, Фурқат тумани Шўжор ҚФЙдаги 11-сон болалар боғча бизнесини мукамал таъмирлаш». Бошланғич нархи: 273 113 152 сўм ҚҚС билан, 227 594 293 сўм ҚҚС билан. ЛОТ-7.4. «Фаргона вилояти, Бағдод туманидаги 25-сон мактабга таълим муассасаси бизнесини мукамал таъмирлаш». Бошланғич нархи: 386 084 352 сўм ҚҚС билан, 321 736 950 сўм ҚҚС билан. ЛОТ-7.5. «Фаргона вилояти, Ҳўкўрт тумани Рамаётло ҚФЙдаги 3-сон болалар боғча бизнесини мукамал таъмирлаш». Бошланғич нархи: 370 040 856 сўм ҚҚС билан, 308 367 380 сўм ҚҚС билан. Муддати – 01.08.2015 йил. ЛОТ - 8 ЛОТ-8.1. «Фаргона вилояти, Қўқон шаҳридаги 18-сон болалар боғчасини мукамал таъмирлаш». Бошланғич нархи: 430 101 684 сўм ҚҚС билан, 358 418 070 сўм ҚҚС билан. ЛОТ-8.2. «Фаргона вилояти, Қўқон шаҳридаги 25-сон болалар боғчасини мукамал таъмирлаш». Бошланғич нархи: 547 280 753 сўм ҚҚС билан, 455 067 294 сўм ҚҚС билан. ЛОТ-8.3. «Фаргона вилояти, Олтирак туманидаги 37-сон мактабга таълим муассасасини мукамал таъмирлаш». Бошланғич нархи: 678 324 791 сўм ҚҚС билан.

Шухрат ИСЛОМОВ Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 9 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйдаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1933,43	1 Канада доллари	2040,01	1 Туркия лираси	919,49
1 Англия фунт стерлинги	3879,83	1 Хитой юани	409,72	1 Швейцария франки	2700,44
1 Дания кронаси	378,33	1 Россия рубли	45,19	1 ЕВРО	2838,91
1 БАА дирҳами	691,98	1 Украина гривнаси	120,88	10 Жанубий Корея вони	22,64
1 АКШ доллари	2541,65	1 Малайзия рингити	674,89	10 Япония иенаси	202,60
1 Миср фунти	333,55	1 Польша злотийси	678,55		
1 Исландия кронаси	19,06	1 СДР	3562,02		

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни қуйиб қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

СПОРТ

Ёшларимиз — нимчорак финалда!

Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси жаҳон чемпионати гуруҳ баҳсларини муваффақиятли якунлади ва «плей-офф» босқичига йўлланма олди

■ ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯ-ДА ЁШЛАР (U-20) ЎРТАСИДА ДАВОМ ЭТАЁТГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ПАЛЛАГА КИРИБ БОРМОҚДА.



Мусобақанинг «F» гуруҳида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси дастлабки турда Гондурас вакилларига 3:4 ҳисобида имкониятни бой берган эди. Германияликларга қарши ўтган иккинчи ўйинда эса ҳамюртларимиз йирик (0:3) ҳисобда ютқазиб қўйгач, футболчиларимиз учун кейинги босқичга чиқиш мураккаблашиб, мухлислар хавотирга тушиб қолишди.

Учинчи турда ҳамюртларимиз Фижиге ёшлар терма жамоаси билан учрашди. Вангарей шаҳрида кечган мазкур баҳсда навбатдаги босқичга чиқиш учун вакиллари-мизга фақат ғалаба зарур эди. Ўйиннинг биринчи бўлимида қўллаб имкониятлар бўлса ҳам, ҳисоб очилмади.

Танаффусдан сўнг, ёшларимиз ҳужумни янада кучайтирди.

62-дақиқада Элдор Шомуродовнинг зарбасини дарвозабон ушлаб қола олмади ва ўйинда ҳисоб очилди. Орадан бир дақиқа ўтгач эса, Забиҳилло Ўринбоев Фижиге терма жамоаси дарвозасига иккинчи голни урди. Ўйиннинг ҳакам томонидан қўшиб берилган сўнги дақиқаларида Миржамол Қосимов ҳисобни йириклаштирди — 3:0.

Гуруҳнинг иккинчи ўйинида германияликлар Гондураслик

тенгқурларини йирик 5:1 ҳисобида мағлубиятга учратди ва гуруҳда биринчи ўринни эгаллади. Ушбу натижа ҳамюртларимизга тўплар нисбатига кўра, «F» гуруҳида иккинчи ўринни эгаллаб, мусобақани давом эттириш имконини яратди.

— Бу учрашув навбатдаги босқичга чиқиш учун жамоамизнинг сўнги имконияти эди, — деди учрашувдан сўнг, **Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош му-**

рабийи Равшан Ҳайдаров. — Биринчи бўлимда бир қатор имкониятларга эга бўлдик, аммо гол ура олмадик. Иккинчи бўлимда эса футболчилар бор маҳоратларини ишга солишди ва керакли натижага эришдик. Қийин вазиятдан кейинги босқичга чиқа олдик. Бу — бизнинг жаҳон чемпионатидаги биринчи ғалабамиз. Энди хато қилишга ҳақимиз йўқ.

Қуръага кўра, нимчорак финалда Европа қитъаси вакили — Авст-

рия футболчилари билан куч синашамиз. Навбатдаги рақибимиз ҳақида маълумотларга эгамиз. Улар Аргентина, Гана, Панама каби кучли терма жамоалар жой олган гуруҳдан навбатдаги босқичга чиққан. Кейинги босқичга йўлланма олган жамоалар орасида кучсиз рақиб бўлмайди. Биз эса жаҳон чемпионатида муносиб ўринлардан бирини эгаллаш учун курашамиз.

Мусобақа тақвимига мувофиқ, нимчорак финалнинг дастлабки тўрт учрашуви 10 июнь кuni ўтказилади. Унда мухлислар Гана — Мали, Сербия — Венгрия, АҚШ — Колумбия, Украина — Сенегал жувфтликлари баҳсига гувоҳ бўладилар. 11 июнда бўладиган **Австрия — Ўзбекистон**, Германия — Нигерия, Португалия — Янги Зеландия, Бразилия — Уругвай терма жамоалари учрашуви эса қолган тўртта чорак финалчи номини аниқлаб беради.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси «плей-офф»нинг дастлабки босқичида ғалаба қозонса, чорак финалда Украина — Сенегал жувфтлиги голибига қарши майдонга чиқади.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.

ТАЪЛИМ

■ Президентимизнинг Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш дастури доирасида Тошкент вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан касб-ҳунар коллежи ва академик лицейлар ўқитувчилари ўртасида «Йилнинг энг фаол гуруҳ раҳбари» кўрик-таълими бўлиб ўтди.

Йилнинг энг фаол гуруҳ раҳбари

республика танловининг Тошкент вилоят босқичи якунланди

Унда ўқувчи ёшлар онгида ватанпарварлик, юртга садоқат, инсонийлик фазилатларини шакллантириш, ўқитувчиларни эса ўз касбига бўлган масъулиятини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

— Бугунги кунда ёшларни ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Бу йўлда амалга оширилаётган тизимли ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда, — дейди «Йилнинг энг фаол гуруҳ раҳбари» кўрик-таълимининг вилоят босқичи голиби Қўрай агропиротер касб-ҳунар коллежи иқтисодиёт назарияси фани ўқитувчиси Элёр Худойбергенов. — Ёшларимизнинг маънавий дунёқарашини шакллантиришда, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда, таълим-тарбия самардорлигини оширишда бу каби танловларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Бизнинг коллежда ҳам таълим-тарбия жараёнига жиддий эътибор берилди. Ҳар бир ўқувчи билан дўстона муносабат ўрнатилиб, оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлигида иш олиб борилмоқда. Маънавий соатларида юртимиз равнақи йўлида меҳнат қилаётган турли соҳа вакиллари билан учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Мазкур танловда голибликни қўлга киритган педагоглар биринчи, иккинчи ва учинчи даражали дипломлар билан тақдирланди. Биринчи ўрин соҳиби Элёр Худойбергенов республика босқичида қатнашиш учун йўлланмани қўлга киритди.

Ҳайрулла ХОЛТЎРАЕВ

РЕКЛАМА

AVTOSALON

«SARDOR AVTO INVEST»

Тўлов тури: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ ЎТҚАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ

Манзил: Тошкент ш., Усмон Носир кўчаси, 113 уй. Мўлжал: Жанубий вокзал.
 Тел.: (99871) 215-09-11; 250-23-93; (99891) 162-99-99; (99895) 177-01-17;
 (99871) 140-41-21; (99895) 199-82-92; (99891) 191-19-49; (99890) 932-33-38

www.sardor-avto.uz МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Qishloq Qurilish Bank

MOODY'S

INVESTORS SERVICE

халқаро рейтинг агентлиги

2015 йилнинг май ойида

банк рейтингини қуйидагича тасдиқлади:

— контрагент рискинни баҳолаш — B1/NP

— узоқ муддатли миллий ва хорижий валютадаги банк депозитлари рейтингини — B2/NP

барча рейтинглар прогнози:

“БАРҚАРОР”

АХБОРОТ МАРКАЗИ ТЕЛЕФОНЛАРИ:
 (+99871) 150-39-93, 150-93-39
 WWW.QQB.UZ

Қишлоқ қурилиш банк - фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHIRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
 Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
 E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
 Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
 Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
 «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 659
 17819
 nusxada
 bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
 t — Tijorat materiallari
 O'ZA yakuni — 21.15
 Topshirilgan vaqti — 22.25

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
 Toshtemir XUDOYQULOV
 Sahifalovchi-dasturchilar:
 Zafar BAKIROV
 Behzod ABDUNAZAROV

